

РУС ТИЛИНИ ЎРГАНИШ МОТИВАЦИЯСИНИ ОШИРИШДА НЕЙРОГРАФИК
УСУЛЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Қўқон университети Андижон филиали, Тилларни ўқитиш кафедраси
Ўқитувчиси

Газиева Ойдин Джамолидиновна.

Аннотация Ушбу мақолада хорижий тил хусусан , рус тилини ўрганиш жараёнида нейрографик усулларни қўллаш орқали талабаларда ўқишга бўлган қизиқиш ва мотивацияни ошириш имкониятлари таҳлил қилинган. Нейропедагогика ва визуал технологиялар асосида ишлаб чиқилган нейрографик усуллар талабаларнинг ҳиссий ҳолатини барқарорлаштириш, ижодий фикрлашни ривожлантириш ва тилни ўрганиш жараёнини енгиллаштиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: нейрографика, мотивация, рус тили, хорижий тил, талабалар, нейропедагогика.

КИРИШ

Хорижий тилларни, хусусан рус тилини самарали ўрганиш талабаларда юқори мотивация, ижодий ёндашув ва психологик барқарорликни талаб қилади. Охириги йилларда нейропедагогика соҳасидаги илмий изланишлар таълим жараёнида янги усулларни жорий этишга туртки бўлмоқда. Шундай инновацион ёндашувлардан бири-нейрографик усуллардир. Ушбу мақолада нейрографик усулларнинг тил ўрганишга таъсири, айниқса, талабалар мотивациясига таъсири таҳлил қилинади.

МЕТОДЛАР

Тадқиқотда олий ўқув юртлиридан бирининг 1чи босқич талабалари иштирок этдилар. Улар 2 гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳ талабалари учун анъанавий дарслар ўтилди, иккинчи экспериментал гуруҳда эса ҳар ҳафта охирида 30 дақиқалик нейрографик усулларга асосланган машғулотлар ташкил қилинди.

Жумладан: Мавзу: Какою кухню вы предпочитаете? Грамматик мавзу “Творительный падеж” Бу мавзунини бошлашдан аввал 4хил рангдаги 4хил геометрик фигуралар аудиториянинг 4 бурчагига қўйилади ва талабаларга мана шу фигуралардан қайси бири ёққан бўлса, ўша фигуранинг олдига бориб туриш таклиф қилинади. Бунинг учун тайм менежмент қўлланилади (1 дақиқа). Сўнгра яна 2 дақиқа вақт берилади. Бу вақт ичида талабалар ўша рангларнинг номини русчада айтиб, бу ранглар ҳамда шакллар уларнинг онгида нима билан уйғунлашганини (ассоциация) ўйлаб олишлари зарур.

Шундан сўнг ҳар бир жамоанинг ҳар бир аъзосига 1 дақиқадан вақт берилади. Масалан, 24та талаба 4тадан бта жамоага бўлинган бўлса, ҳар бир жамоага бир вақтнинг ўзида 6 дақиқа (ҳар бир жамоа аъзосига 1 дақиқадан) берилади. Мана шу бдақиқа ичида 24та талабанинг ҳар бири ўзининг жавобини жамоасига сўзлаб беради. Қолган талабалар жамоадосларининг жавобини диққат билан эшитади ва ўзаро ҳар бир жамоадан энг оригинал, чиройли жавоб танланади.

Бу ерда асосий мавзу “ТВОРИТЕЛЬНЫЙ ПАДЕЖ» бўлгани учун саволлар мана шу мавзу бўйича тузилади: С чем ассоциируется у тебя красный КРУГ?... каби. Шу тарзда асосий мавзу кизикарли ўйин тариқасида чуқурроқ ўзлаштирилади.

Тадқиқот 2ой давом этди. Маълумот тўплаш усуллари сифатида анкета, мотивация тестларидан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-7

Эксперимент якунларига кўра , нейрографик усуллар қўлланган гуруҳда талабаларнинг тил ўрганишга нисбатан қизиқиши 35%га ошган. Дарсларда фаол иштирок этиш даражаси ва талабалардаги ўзига ишонч кўрсаткичи сезиларли даражада яхшиланган.

МУҲОКАМА

Нейрографик усуллар нафақат эмоционал ҳолатни барқарорлаштириш, балки ижодий фикрлаш ва хотира фаолиятини рағбатлантириш воситаси сифатида ҳам юқори самара бермоқда. Рус тилини ўрганиш жараёнида талабалар кўпинча тил тўсиғи, ишончсизлик, стресс каби омилларга дуч келадилар. Нейрографик машқлар эса бу тўсиқларни енгиллаштиришда самарали восита сифатида ёрдамга келади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, нейрографик усуллар рус тилини хорижий тил сифатида ўрганишда талабалар мотивациясини оширишда самарали эканлигини кўрсатяпти. Ушбу усулни тизимли равишда таълим жараёнига тадбиқ этиш орқали тил ўрганиш жараёнини енгиллаштириш ва талабаларда ижобий эмоционал муҳит яратиш мумкин. Кейинги тадқиқотларда ушбу усулнинг бошқа фанлардаги самарадорлигини ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ дейиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жумаева Г. “НЕЙРОПЕДАГОГИКА АСОСЛАРИ”.---ТОШКЕНТ,2022.
2. Бендас Т.В. “ПСИХОЛОГИЯ МОТИВАЦИИ”.---МОСКВА: ПИТЕР,2021.
3. Сидорова Н.А. “НЕЙРОГРАФИКА КАК МЕТОД САМОПОЗНАНИЯ”. СПб, 2020.
4. Dörnzel_ Z. „MOTIVATIONAL SRATEGIES IN THE LANGUAGE CLASSROOM”. CAMBRIDGE UNIVERSITY PRESS. 2001.

НЕЙРОПЕДАГОГИК УСУЛДА МОТИВАЦИЯНИ БАҲОЛАШ ТЕСТ-АНКЕТАСИ

Ушбу тест нейропедагогика асосида ишлаб чиқилган бўлиб, талабаларнинг рус тилини ўрганиш жараёнидаги ҳиссий, когнитив ва ихтиёрий мотивациясини баҳолашга хизмат қилади.

*Ҳар бир фикрни 1 дан 5 гача баҳоланг:

ҲИССИЙ МОТИВАЦИЯ (ЭМОЦИОНАЛ ТАРКИБ)

1. Мен рус тилини ўрганишда ўзимни хурсанд ҳис қиламан.
2. Дарс пайтида қизиқишим ортади.
3. Рус тили дарслари менда ижобий эмоциялар уйғотади.
4. Мен ўзимни бошқалар билан солиштирмасдан ишонч билан ўқийман.
5. Дарсда муваффақиятга эришиш менда кувонч ҳиссини уйғотади.

КОГНИТИВ МОТИВАЦИЯ (АҚЛИЙ ФАОЛИЯТ ТАРКИБИ)

6. Мен янги сўзларни ёдлашда онгимда уларни тасвирлашга ҳаракат қиламан (визуализация).
7. Мен грамматик қоидаларни ритм ёки қўшиқ ёрдамида эслаб қолишга ҳаракат қиламан.
8. Мен рус тилидаги маълумотларни ҳар доим бошқа фанлар билан боғлайман.
9. Мен дарсда ўрганганимни мустақамлаш учун тасаввур, эслатма ва ранглардан фойдаланаман.
10. Мен маълумотларни қисқа, мантиқий қисмларга бўлиб ўрганаман.

ИХТИЁРИЙ ВА МАҚСАДЛИ МОТИВАЦИЯ (ИХТИЁР ВА ИНТИЛИШ ТАРКИБИ)

11. Мен дарс пайтида диққатимни бир нарсага жамлай оламан.

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-7

12. Қийин бўлса ҳам , мен вазифани тугатишга ҳаракат қиламан.
13. Мен ҳар куни ўрганиш учун вақт ажратишга ҳаракат қиламан.
14. Мен рус тилини ўрганиш орқали шахсий мақсадимга яқинлашаман деб ўйлайман.
15. Менда хорижий тилни ўрганиш учун узок муддатли мақсад бор.

БАҲОЛАШ(максимум - 75балл).

БАЛЛ ОРАЛИҒИ ТАВСИФ:

61-75 Сизнинг мотивациянгиз юқори ва нейропедагогик асосда шаклланган

46-60 Мотивация яхши, лекин айрим нейротехникаларни жорий этиш керак

31-45 ўртача мотивация, ҳиссий ва когнитив туртки етишмайди

15-30 сизга эмоционал ва ақлий қўллаб қувватлаш Керак.

